

# Савоб иш қилишда мусобақалашиш | Ҳадис дарслари (352-дарс)



19:00 / 05.11.2025 1171

لَا قَوْلَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَلَّ لَلِ الْوُسْرَ نَعُ ، هُنَّ عُلَّ لَلِ الْيَضْرَةَ رَجْعَ نَبِّ بَعَكَ نَعُ  
ثَالِثًا ، هَذِهِ حَيْبُ سَتَانُ ثَالِثًا وَثَالِثًا ، نُنْهَلَعُ أَفْوَ وَأَنَّ هُنَّ لِيَأْقُ بِيَحْيَى الْتَابِقُ عُمُ  
مَلْسُمُ هَاوْرِيَّةَ الْصَّلْ كَرُبْدِي فِي فَرِي بَكَتَ نُوثَالِثًا وَغُبْرًا ، هَذِهِ مَحْتَنُ ثَالِثًا وَ  
يَذْمُرْتَلَاوُ

*Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«(Намоз) **ортидан келувчиларни айтувчилар ёки қилувчилар ноумид бўлмаслар. Ҳар бир намоз ортидан ўттиз учта тасбеҳ, ўттиз учта ҳамд ва ўттиз тўртта такбир», дедилар.**».



**Улар:**

**«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди.**

**У зот:**

**«Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта тасбеҳ, такбир ва таҳмид айтасиз», дедилар».**

**Абу Солиҳ:**

**«Фақир муҳожирлар яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб келиб:**

**«Мол-дунёси кўп биродарларимиз биз қилган нарсани эшитиб қолиб, ўшанга ўхшаш ишни қилдилар», дейишди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«У Аллоҳнинг фазлидир, хоҳлаган кишисига берур», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисда мусулмонларнинг биринчи авлодига хос бир фазилат устида сўз бормоқда. У ҳам бўлса, савоб иш қилишда бир-биридан ўтишга ҳаракат ва унга эришиш йўлларини излашдир.

Фақир-мискинликлари туфайли бой-бадавлат кишиларга ўхшаб садақа қила олмай, қул озод эта олмай юрган муҳожир саҳобалар қандай қилиб кўпроқ ажру савобга эга бўлиш йўлини сўраб келдилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни намоздан кейин зикр қилишга иршод қилдилар.

Келинг, ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни бир бошдан кўриб чиқайлик:

1. Кўп савоб олаётган кишиларга ҳавас билан қараш мумкинлиги.
2. Билмайдиганлар биладиган кишилардан сўрашлари кераклиги.
3. Садақа ва қул озод қилиш кўп ажр келтириши.
4. Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш, кўп мол садақа қилиш ва қул озод этишдан ҳам кўпроқ савобга сабаб бўлиши.

5. Фақир муҳожирларнинг иложи борича кўпроқ савоб олишга интилишлари.

6. Исломда шукр қилувчи бойнинг яхши эканлиги.

وَهُوَ دَمَحْلٌ لَمْ يَلْهُهُ، هَلْ كَيْرَشِ الْهَدْحُ وَهَلْ لَالِ الْهَلِ الْبِ أَمْ تَحَتْ وَ: دُوَادُ وَبِ أَرْيَ دَقْرٌ عَيْشٌ لِكِ يَلَعِ

Абу Довуд:

**«Ва уни «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр» билан тугатарсан»** жумласини зиёда қилган.

**Шарҳ:** Зотан, ҳозир барча намозхонлар ичида шу икки ривоятдаги зикрни қилиш йўлга қўйилган.

أَثَلَتْ هَلْ دَمَحْلٌ أَوْ، نِيْتَالَتْ وَأَثَلَتْ هَلْ لَانِ أَحْبُسْ: أَوْلُوقٌ يَذْمُرُ لَلْ طَفَلِ وَ  
بِ أَرْمَ رَشْعٌ هَلْ لَالِ الْهَلِ أَلْ وَ، نِيْتَالَتْ وَأَعَبَرَأُ رَبُّكَ أَلْ هَلْ أَوْ، نِيْتَالَتْ وَ

Термизийнинг лафзида:

**«Ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар» ва ўн марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу» денглар»**, дейилган.

أَثَلَتْ هَلْ لَانِ دَمَحْ وَ، نِيْتَالَتْ وَأَثَلَتْ هَلْ لَانِ أَحْبُسْ: أَوْلُوقٌ يَذْمُرُ لَلْ طَفَلِ وَ  
بِ أَرْمَ رَشْعٌ هَلْ لَالِ الْهَلِ أَلْ وَ، نِيْتَالَتْ وَأَعَبَرَأُ رَبُّكَ أَلْ هَلْ أَوْ، نِيْتَالَتْ وَ  
بِ أَرْمَ رَشْعٌ هَلْ لَالِ الْهَلِ أَلْ وَ، نِيْتَالَتْ وَأَعَبَرَأُ رَبُّكَ أَلْ هَلْ أَوْ، نِيْتَالَتْ وَ

Муслимнинг ривоятида эса:

**«Ким ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта Аллоҳга тасбеҳ айтса, ўттиз уч марта Аллоҳга ҳамд айтса, ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар», деса ҳаммаси тўқсон тўққиз бўлур, юзтанинг тамом бўлишига: «Ла илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр»ни айтса, унинг гуноҳлари денгиз кўпиклари каби бўлса ҳам, мағфират қилинур»**, дейилган.

**Шарҳ:** Имом Муслимнинг ривоятида келган зикрларнинг аввали ёки охирида «Оятул Курсий»ни қўшиб ўқишни сўфийлар жорий қилганлар. Бу «сўфийлар хатми» деб номланади. Бу нур устига нур, дейилади. Чунки

«Оятул Курсий» Қуръони Каримдаги энг улуғ оятдир. Ушбу хатмни қилиш бизда ҳам жорий бўлиб келаётир.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.